



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДХ МАМЛАКАТЛАРИ МАХСУС ХИЗМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари кенгашининг Тошкентдаги йиғилишида иштирок этиш учун келган делегациялар бошлиқларини қабул қилди.

Президентимиз меҳмонларни кутлар экан, Ўзбекистонда МДХ доирасидаги кўп қиррали муносабатларни, жумладан, замонвий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Хафсизликни таъминлаш соҳасидаги амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг Ҳамдўстлигида 2020 йилги раислигининг устувор йўналишларидан бири экани қайд этилди.

Ташкилотга аъзо давлатлар махсус хизматлари ўртасидаги яқин ҳамкорликни давом эттириш, жумладан, тезкор ахборот алмашиш ҳамда терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликни баргараф этиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Кибержиноятчиликка қарши курашда, интернет ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан зўравонлик ва радиал қарашларни тартиб қилиш мақсадида фойдаланишга чек қўйиш борасидаги сазй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Меҳмонлар самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, ўз мамлакатлари раҳбарларининг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг бошқа долзарб масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ВА ҚАТҲИЙ ИНТИЛИШ – ТАРАҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь куни жорий йилда давлат бюджетига тушумлар прогнози ижросини таъминлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жойларда янада ривожлантириш учун қўшимча имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш бўйича кўрилаётган чоралар самардорлиги ҳамда бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Хозирги кунда тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес иқтисодийнинг барқарор ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ривожланган давлатларда тадбиркорлик субъектлари умумий корхоналар сонининг 90 фоиздан зиёдини ташкил этади ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50 фоиздан ортигини иш билан таъминлайди. 2018 йилги ҳолатга кўра, Ўзбекистонда меҳнат билан банд аҳолининг 76,3 фоизи шу соҳада ишлайди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари тараққий этган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳам салмоқли ўринга эга. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида мазкур соҳа улуши 59,4 фоиздир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бугунги кунда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзлари билан айтганда, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган тўб ислохотлар самарасида Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш – 2020” хисоботида Ўзбекистон 7 поғонага кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади ва дунёнинг энг яхши 20 та ислохотчи давлати қаторидан жой олди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юртимиз илк бор дунёда саккизинчи ўринга кўтарилди.

Бундай имкониятлар натижасида жорий йилнинг ўтган 10 ойида 91 мингта ёки 2018 йилга нисбатан 2

баробар кўп янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Лекин ҳали соҳа ривожини йўлида қилинадиган ишлар ҳам кўп.

“Бизнес юритиш – 2020” хисоботида кўрсатилган камчиликларни баргараф этиш, жумладан, ер ажратиш, қурилиш ва мол-мулкни рўйхатга олиш борасида қулайликлар яратиш керак.

Шу боис видеоселектор йиғилишида тадбиркорларга ерни онлайн аукцион орқали бериш, мулкни рўйхатдан ўтказиш бўйича идоралараро электрон ахборот алмашинувини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Хорижий тажриба асосида мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишни такомиллаштириш таклифи билдирилди.

Президентимиз ҳокимлар 50 фоиз иш вақтини янги кичик бизнес субъектлари ташкил этиш ва ишлаётган тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда ҳал этишга сарфлаши лозимлигини таъкидлаб, жуда кўп раҳбарлар бунга бефарқлик ва масъулиятсизлик билан қараб келаётганини кескин танқид қилди.

Буни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига келиб тушган 26 мингта мурожаатнинг деярли ярмини бевосита туман даражасида ҳал қилиш мумкин бўлса-да, муаммолар жойида ечилмагани учун фуқаролар юқори идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлаётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Бундай ҳолатлар Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Андижон, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида анча юқори. Шунинг учун барча вилоят ва туманлар ҳокимлари икки кун муддатда Тадбиркорларга мурожаат қабул қилиши бўйича кўрсатма берилди.

Мурожаатда тадбиркорлар олдида бундан кейин ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги, худуддаги барча раҳбарлар уларга яқиндан кўмакчи бўлиши, ҳар куни доимий равишда тадбиркорлар масалалари билан шуғулланиши тўғрисида ҳокимлар шахсан қафолат беради.

Мурожаатнинг бош мазмуни ҳамма нарса тадбиркор учун эканини халққошлик этиқишидан иборат. Шунинг учун Мурожаатни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва аҳоли гавҳум жойлардаги баннерларда эълон қилиб, унда ҳокимлар, секторлар ва мутасадди идоралар раҳбарларининг телефон рақамлари ҳам кўрсатилиши шартлиги белгиланди.

Бундан ташқари, ҳудудий ишчи гуруҳлар жойларда юриб, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари билан бирга тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишларни самарали ташкил этиши зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини молиялаштириш учун Халқ банки, “Микрокредитбанк” ва “Агробанк” масъул этиб белгиланиб, уларга етарлича ресурслар ажратиб берилган.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ШАҲСИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ ЎТИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун олиб ўтиладиган товарларни божхонада расмиёлаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

- Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан: нотижорат мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш пунктлари орқали қўл юкида ва кузатиб борилаётган бағажидога товарлар олиб кираётган жисмоний шахслар учун, шунингдек, жисмоний шахс номига халқро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келадиган товарларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган божхона божини, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ўрнига ягона божхона тўловини тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддашатирилган тартиби жорий этилади;
- жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун божхона чегараси орқали қўл юкида, кузатиб борилаётган бағажидога, шунингдек, почта жўнатмалари орқали олиб қилинадиган хайвонотга мансуб озиқ-овқат маҳсулотларида ишлаб чиқариш ўрнининг мажбурий мавжудлиги тўғрисидаги талаб ўрнатилади;
- Белгилансинки, ягона божхона тўлови божхона тўловлари ундирилмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан республикага олиб қилиниши чекланган меъёрлардан ортиқ тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Товар Номенклатураси кодидан ва келиб чиқиб мамлакатидан қатъи назар товарларнинг барча тўловлари бўйича божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда, чекланган меъёрлардан ортиқ қисмига нисбатан ундирилади.
- Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3512-сон қарорининг 1-илловасида назарда тутилган товарлар-

ни олиб кириш меъёрлардан ортиқ тақдирда божхона тўловлари умумбелгиланган тартибда тўланиши белгилансин.

- Куйидагилар: товарнинг божхона қийматидан 30 фоиз, лекин ҳар бир килограмми учун 3 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда ягона божхона тўлови ставкаси; иловага мувофиқ, **Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун олиб қилинадиган товарлар топфасига қирмайдиغان товарлар рўйхати** тасдиқлансин.
- Давлат божхона қўмитаси: а) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига: жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг белгиланган мақсадни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда; б) ушбу қарорнинг мазмун ва моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ҳамда аҳоли эътиборига етказишни таъминласин.
- Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 7 ноябрь

ШҲТ МАТНИНГ “ТЭРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ – ЧЕГАРА БИЛМАС ҲАМКОРЛИК” МАВЗУСИДАГИ ЕТТИНЧИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкентда 6-7 ноябрь кунлари **Шанхай ҳамкорлик ташкилати Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (ШҲТ МАТТ) “Терроризмга қарши кураш – чегара билмас ҳамкорлик” мавзусидаги еттинчи халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

Анжуманда ШҲТга аъзо давлатларнинг ваколатли органлари, қузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мамлакатлар, ШҲТ котибияти ҳамда халқро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Конференцияда халқро террорчилик ташкилотлари туғдираётган замонвий таҳдид ва хатарларга қарши кураш борасидаги долзарб масалалар юзасида фикр алмашилди, терроризм ва экстремизмга қарши кураш соҳасида илгор тажриба билан ўртоқлашилди. Халқро терроризм ва экстремизм ҳар қандай шакл ва қиринишда тинчлик ва хавфсизликка таҳдид уютаётгани ҳамда яқил фикр билдирилди.

Халқро террорчилик ташкилотларининг қулоқ-яроғ ва ҳарбий техниканинг янги турларини, геолокация ва йўлдошли алоқа воситаларини харид қилиш, террористик фаолиятни амалга ошириш учун учувчисиз бошқариладиган қурилмалар, сунъий интеллект технологиялари ва ахборот-коммуникация ютуқларидан фойдаланиш борасидаги уринишлари эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

МДХ ХАВФСИЗЛИК ОРГАНЛАРИ ВА МАХСУС ХИЗМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИЛИШИ

Тошкентда 7 ноябрь куни **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Тадбирда МДХга аъзо давлатлар хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари билан МДХ Ижроия қўмитаси раиси С.Лебедев, МДХга аъзо давлатлар хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари кенгаши раиси А.Бортников халқро хавфсизликка таҳдидлар, ташқи салбий кучлар таъсири ортиб бораётган бугунги мураккаб даврда кенгаш йиғилиши муҳим аҳамият касб этиши, мавжуд хавф-хатарларга биргаликда қарши туриш умумий ва асосий мақсад экани, бу йўналишдаги ҳамкорлик халқларимиз тинчлигини асраш, ўзаро бирдамликни мустаҳкамлашга хизмат қилишни таъкидлади.

Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президент Шавкат Мирзиёевнинг сазй-ҳаракатлари билан кейинги йилларда МДХ худудини Марказий Осиёда интеграцион жараёнларни қулайтириш, иқтисодий-ижтимоий соҳадаги муносабатларни яхшилаш билан бирга, хавфсизликни таъминлаш борасида ҳам самарали ташаббуслар илгари сурилаётгани қайд этилди. МДХга Ўзбекистон раислик қиладиган 2020 йилда айни йўналишда амалга ошириладиган ишлар янги босқичга қўтарилишига ишонч билдирилди.

МДХга аъзо давлатлар хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари кенгаши раиси А.Бортниковнинг таъкидлашча, минтақда хавфсизликни таъминлаш, хусусан, терроризм, гиёҳвандлик ва халқро уюшган жиноятчиликка қарши курашишда кенгаш фаолияти салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Ўтган даврда МДХга аъзо давлатлар хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида халқро терроризм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси, трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. МДХ макониди миллатлараро ва конфессиялараро низола қелиб чиқишининг олдини олиш, транспорт коммуникациялари ва иқтисодий-соҳасида хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳамкорликдаги чора-тадбирлар белгилаб олинди. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш доирасида Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Йиғилишда МДХ Аксилтеррор маркази раҳбари ҳамкорликдаги аксилтеррор ўқув машғулоти яқини бўйича ҳисобот берди. Марказнинг 2020 йилга мўлжалланган иш режаси тақдим қилиниб, томонлар кенгашиши доирасида ҳар томонлама муносабатларни янада кенгайтириш зарурлигини тасдиқланди. ҳамкорликнинг янги, самарали йўналишлари белгилаб олинди.

ЎЗА

XHXI
Барча маълумотларнинг сизнинг қабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Марказий сайлов комиссияси халқро матбуот маркази Сурхондарё вилояти бўлимида жорий йилги сайловда биринчи бор қатнашадиган ёшлар иштирокида “Сенинг овозинг – сенинг келажакинг” мавзусида учрашув бўлиб ўтди.
- Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. Видеоселектор тарзида ўтказилган тадбирда туман ва шаҳар ҳокимлик-

ЖАҲОНДА

- Жаҳон банк соҳаси иқтисодий циклининг сунгги босқичига қирди, кредитлаш ва тушум ҳажми ўсиши секинлашмоқда, дунёнинг 60 фоиздан кўпроқ банки ўз қийматини барбод қилмоқда. Бу ҳақда халқро консалтинг компанияси McKinsey'нинг “Охириги пилт-стоп? Дадил қадамлар учун фурсат?” деб номланган

ЖАҲОНДА

- зусидаги маърузалари тингланди, расмлар кўргазмалари, концерт дастурлари намойиш этилди, кўрик-танловлар ўтказилди. Орол фоғияси сабаблари ва оқибатлари тўғрисида видеофильм намойиш этилди. Ақция доирасида ташкил этилган “Ўзбекистон манзаралари” тасвирий санъат кўргазмасида вилоятдаги барча болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўзлари чизган расмлари билан иштирок этди.

ЖАҲОНДА

- маърузасида айтилган. “Эқтимол, банклар ўз бизнес-моделларини қайта қўриб чиқиши учун ушбу циклдаги охириги пилт-стоп бўлиши мумкин. Топкйрроқ банклар кейинги циклининг етқакчилигига айланishi мумкин. Бошқалари эса тарих бўлиб қолиши хавфи мавжуд”, дейилган докладда. Мутахассислар дунё банкларининг 35 фоизи бизнес-моделлари мукамалмаслиги, капитал етишмаслиги ва нобол бозорларда ишлашдан муаммолар ҳис қилишини таъкидлаб ўтишган. Экспертларнинг фикрича, банклар трансформациялашув вақтида муваффақиятсизликка учраса, уларнинг қучлироқ рақобатчиға сотилиши омон қолишини ягона йўли бўлиши мумкин.
- Жанубий Корейнинг “Samsung” компанияси 6,7 дюйм экранли янги смартфон тақдимотини ўтказди. Қатор қулайликларга эгаллигидан ташқари унинг ўзига хос жиҳати шундаки, смартфон букланувчанлик хусусиятига эга.

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ТИНИМСИЗ МЕХНАТ ВА ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШ – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда мазкур молия ташкилотлари ҳамда худудий ишчи гуруҳлар раҳбарлари жойларда тадбиркорликнинг янги имкониятларини топиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасидаги сайё-ҳаракатлар бўйича ҳисобот берди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман, тижорат банклари ва бошқа ваколатли идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги жойларда ҳали сезилмапти. Бинобарин, соҳадаги барча масалалар ҳокимликлар, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жағфармаси ва банкларнинг ўзаро ҳамкорлигида ечилиши зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари жойларда тадбиркорлар иш-тироқида янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватларини яратиб бериш туртки бериш лозимлигини таъкидлади.

Бугунги кунда 49 туманда ишлаб чиқариш ва 63 туманда хизмат кўрсатиш ҳақининг янги дастурлари янги ишчи гуруҳлари тўлиқ сафарбар қилинмагандан далолат беради. Шунинг учун Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги раҳбарлари бошчилигида жойларда саноат ва хизматларни ривожлантириш бўйича доимий ишчи гуруҳлар ташкил қилинди ва уларга тармоқлар бириктирилди.

Ушбу тузилмаларга тармоқлар билан бирга ҳар бир туман ва шаҳар салоҳиятини ўрғаниб, 2020 йилда янги қувватлар ташкил этиши, инфратузилма ва хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бунда республика бўйича қарийб 1,5 мингта давлат ташкили ва давлат улushi мавжуд объектининг сотиш ҳамда 70 мингта тадбиркор фаолиятини тиклаш мумкинлиги қайд этилди.

Давлат божхона қўмитасига келаси йил 1 январдан бошлаб экспорт-импорт операциялари учун зарур рухсатнома ва сертификатлар “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали электрон шаклда олинишни йўлга қўйиш топширилди. 2020 йилда “Бизнес юристи” рейтингини амалга ошириш бўйича янада яхши-лаш, жумладан, рухсатнома бериш ва сертификатлаш тизимини соддалаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Ортимизнинг барқарор ривожини, ижтимоий соҳаларнинг узлуksиз қўллаб-қувватланиши учун давлат бюджети ва уни шакллантирадиган тушумлар мумим роль ўйнайди.

Шу нуқтага назардан видеоселектор йиғилишида Солиқ қўмитасига ноябрь-декабрь ойларда солиқ тушумлари салоҳиятига нисбатан етарли бўлмаган қатор туман ва шаҳарларда солиқларни тўлиқ ундириш бўйича янги тизим жорий қилиш топширилди.

Маълумки, Халқаро валюта жағфармаси, Жаҳон банки, хоржий ва миллий экспертлар иштирокида янги таҳрирда Солиқ кодексини лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жорий йил 1 октябрдан қўшимча қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилди. Солиқ сис-темасида олиб борилаётган импортувчиларнинг кейинги босқичи солиқ маъмуриятичилигини такомиллаштириш-дир.

Шу муносабат билан, замонавий усуллар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, яши-рин фаолият юритиш орқали солиқдан қочинишнинг олдини олиш чораларини кўриш зарурлиги таъкид-лаб ўтилди. Бинобарин, барча соҳаларда “хуфийна иқтисодиёт” қўлларини кескин қисқартириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, ижроси таъмин-ланади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз бўйлаб ишга туши-рилаётган 145 та йирик янги қувватларда шу йилнинг ўзига махсус ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, улар бюджетга қўшимча даромад келтиришини назоратга олиш зарурлиги қайд этилди.

Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш-да аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматлар учун олинган туловлар ҳам мухим роль ўйнайди.

Аввал хабар қилинганидек, 2020 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетни шакллантириш тартиби тубдан ўзгаради, худудлар ўз сарф-харажатларини мустақил равишда хал қилади. Шу муносабат билан энди ҳоким-лар маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш учун кўпроқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-лари ташкил этиши, солиқларни мустақил равишда йиғиши ва бу борадаги масъулиятини кучайтириши керак бўлади.

Президентимиз бугунги кундаги яна бир долзарб масалага тўхталиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Мақомадидан 2019 йил 14 октябрдаги қаро-рига мурофи қилди, унинг қисмида қўшимча маҳ-сулотларни олиш механизми жорий этилди.

15 октябрдан бошлаб бугунги тартибда эркинлашти-рилди ва ижтимоий ҳимояга мутож аҳоли қатламини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир на-фақа олувчига ойига 50 миң сўмдан компенсация тўланмоқда.

Қолипти нон билан қафоллатли таъминлаш учун етарли ресурс захираси яратилиб, ун ишлаб чиқ-аришининг ойлук ҳажми мамлакатимизда 122 миңдан 142 миң тоннага оширилди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 1 килограмм ун биржада 2300-2400 сўмдан сотилаётган бўлса, чакана савдода қоллип нон нар-хи 1500-1700 сўмни ташкил қилмоқда.

Йиғилишда айрим вилотларда ноннинг нархи нис-батан юқориликка қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Шун-нинг учун, Тошкент шаҳри таъминотида келиб чи-қиб, барча вилот, туман ва шаҳар ҳокимларига ун-нинг биржа савдосида сотилишидан бошлаб ноннинг чакана савдода сотилишига бўлган жараёнини ҳар кун таҳлил қилиб, аҳолининг нонга бўлган кунлик эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб бориш бўйича вазифалар юклатилди.

Жойларда нон ишлаб чиқариш харажатларини ка-майтириш юзасидан барча имкониятларини қўллаш, иж-тимоий ҳимояга мутож аҳоли қатламига компенсация пуллари ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилишини таъ-минлаш бўйича топшириқлар берилди. Бундан таш-қари, тоғли ва олис худудларда киш масвумига ун ва бошқа озиқ-овқат захираси яратиш лозимлиги қайд этилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган ма-салалар бўйича мутасадди раҳбарлар ва ҳокимлар-нинг ҳисобот ва тақлифлари эшитилди.

ЎЗА

ШҲТ МАТТНИНГ “ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ – ЧЕГАРА БИЛМАС ҲАМКОРЛИК” МАВЗУСИДАГИ ЕТТИНЧИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Ислом давлати” халқаро тер-рорчилик ташкилоти тармоқларга ёйилиб ҳаракатланиш тамойилга ўтгани, бунинг оқибатида дунёнинг бир қатор худудларида, биринчи навбатда, Яқин Шарқ ва Афғонис-тонда хавфсизлик соҳасидаги ваз-иятнинг кескинлашуви билан бо-ғлиқ янги таҳдид ва хатарлар юза-га келаётгани қайд этилди.

Афғонистон худудида ўрнаниб олган халқаро террорчилик таш-килотлари вакиллари ШҲТга аъзо давлатлар чегараларига тобора яқинлашаётгани, шунингдек, ўзла-ри келиб чиққан мамлакатга қай-тиб, “уҳлаб ётган” хатарли нуқта-ларни қайта жонлантираётгани та-швиш уйғотмоқда.

Тадбирда бу каби хатарларни бартараф этиш мақсадида жанга-риллар оила аъзоларини келиб чи-ққан давлатига қайтариш ва реабил-итация қилишни ташкил этиш мас-алалари муҳокама қилинди.

Ижтимоий ўзига хослиги боис мафкураларни тарқатиш бўйича тер-рорчилик ва экстремистик фаолиятга жалб қилишга мой-ли ёшларнинг радикаллашувига қар-ши кураш соҳасида тажриба алма-шилди.

Мулоқот чоғида интернет тар-моғидан террорчилик ва экстрем-истик мақсадларда фойдаланишга қар-ши кураш, ёт қадрларни тарқати-шининг олдини олишда халқаро ҳам-корликни такомиллаштириш зарур-лиги қайд этилди.

Ахборот алмашиш, терроризм хавфини аниқлаш, ўзаро кели-шилган тезкор амалиётлар қўла-мини кенгайтириш, чегара нозо-ратини кучайтириш, ақсилтерроь ту-зулмалар учун кадрлар тайёр-лаш, ўқув машғулотларини ўтка-зиш, ақсилтерроь ҳамкорлигининг халқаро ҳуқуқий-меъёрий асосла-рини такомиллаштириш бориш ма-қсадида ўзаро муносабатларни фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Конференция мажлисларида терроризмни молиялаштириш ман-

ЎЗА

Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатган саноат корхоналари томонидан 39104,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 107,0 фоизни ташкил этди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 2019 ЙИЛ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИ УЧУН САНОАТ МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ КўРСАТКИЧЛАРИ

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асо-сий омилли бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати саноат ишлаб чиқариш индекси 107,5 фоиз, тоғ-кон ва очик конларни ишлаш саноати – 104,3 фоиз-ни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони конди-циялашнинг – 102,6 фоизни ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш 102,1 фоизни ташкил қилди.

Технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган са-ноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 1811,8 млрд. сўмини (ишлаб чиқарадиган саноат тарки-бидаги улushi 5,3 фоизни ташкил этди), ўрта-юқори тех-нологияли ишлаб чиқариш ҳажми 8473,9 млрд. сўмини (ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улushi 24,8 фо-изни), ўрта куйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 11702,6 млрд. сўмини (ишлаб чиқарадиган саноат тарки-бидаги улushi 34,3 фоизни), куйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 12091,3 (ўн икки триллион тўқсон бир миллиард) сўмини (ишлаб чиқарадиган саноат таркиби-даги улushi 35,4 фоизни) ташкил этди.

Истемвол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 17400,4 млрд. сўмини, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,2 фоизни ташкил этди. Шундан озиқ-овқат маҳсулотлари-ни ишлаб чиқариш ҳажми 5353,9 млрд. сўмини, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,4 фоизни, ноозиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 11433,2 млрд. сўмини, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,0 фо-изни, арок ва шароб маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 613,2 млрд. сўмини, ўтган йилнинг мос даврига нисба-тан 114,0 фоизни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда йирик кор-хоналар томонидан 12929,9 млрд. сўмлик, кичик биз-нес субъектлари томонидан 26174,7 млрд. сўмлик сано-ат маҳсулотлари ишлаб чиқарилды.

Дастлабки маълумотларга қўра Тошкент шаҳрида са-ноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улushi 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 66,9 фоизни таш-кил этган.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

Хабарлар

ЎЙЛАР КАЛИТИ ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги “Тузел” маҳалласида Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 3-сонли ички иш-лар бўлими профилактика нозирларига хизмат уй-нинг қалитига тантанали топширилди.

Тантанادا Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Пулат Бобожонов қатнашди ва сўзга чиқди. Ички ишлар вазирилик хамда Яшнобод туман ҳокимлиги сайё-ҳаракатлари билан тўлиқ қайта ре-конструкция қилинган кўп қаватли уйда 36 хонадон қалитлари ўз соҳибларига тақдим этилди.

ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи мономарказда Яшнобод тумани ҳоким-лиги, хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаш-тириш бўйича туман Кенгаши ҳамкорлигида йиғи-лиш бўлиб ўтди.

Туман маҳаллаларида маънавий-маърифий тад-бирларни тизимли ташкил этиш бўйича жамоат таш-килотларининг ҳамкорлик дастури ижросига бағиш-ланган мазкур тадбирда “Оила” маркази, ФҲДЭ бўлими, мавжуд 58 та маҳалла раислари, мутахас-сислар, масъул қотиблари иштирок этди.

Йиғилишда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Фурқат Махмудхў-жаев қатнашди ва сўзга чиқди.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Миробод туманида илк маротаба мини-футбол бўйича ҳокимликлар марказий аппарати, давлат корхона ва идоралари ходимлари ўртасида Тош-кент шаҳар ҳокими қубоғи мубоақаси бошланди.

Ўзига хос спорт байрами тусини олган ушбу му-собақада жамаи ўттиз икки жамоа Олимпия тизими асосида баҳсларга киришдилар.

Қурьага қўра, дастлабки босқичда Яшнобод ту-ман ҳокимлиги жамоаси шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси вакилларига қар-ши майдонга тушди. Унда яшнободликлар йирик 6:2 ҳисобида зафар қўчиб, кейинги босқичга йўлланы-гани қўлга киритишди.

Мусобақа қатнашчиларга қўлайлик яратиш мақ-садида йўнлар ҳафтанинг шанба ва якшанба кун-лари бўлиб ўтмоқда.

Қурьага қўра, Яшнобод туман ҳокимлиги футбол-чилари энди навбатдаги баҳсда шаҳар ҳокимлиги Юридик бошқармаси жамоаси билан куч синнаш-ди. Ҳуқуқшунослар дастлабки учрашувда Олмасор тумани ҳокимлигидаги ҳамкасбларимиздан 3:0 ҳис-о-бида устун келишганди.

Мазкур ўйин 9 ноябрь куни соат 9.00 да бошла-нади.

Яшнобод тумани ҳокимлиги Матбуот хизмати

Сайлов – 2019

ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДАГИ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН САЙЛОВ ПРИНЦИПЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Конституция инсон ҳуқуқларига содиқлигини эълон қилиб, демократияга садоқатни намойн қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қондалари устуңлигини тан олган ҳолда, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб қабул қилинганлиги кўрсатилган.

Шу йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонун-чилик палатасида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари-га бўлиб ўтадиган сайлов Ватанимиз янги тарихида гоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлиб ҳисобланади. Зеро, мамлакатимиз келажаги, ортимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг суръати ва давомийлиги, ички ва ташқи сиёсатимиз сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўна-лишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган ислохотлар узвий, босқичма-босқич ва из-чил, тадрижий равишда давом этмоқда. Энг муҳими Ҳара-катлар стратегиясида белгилан берилган ислохот йўналиш-лари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этади. Мисол учун, сайлов эркинлигини таъминлашдан туриб дав-лат ва жамят қурилишини демократлаштиришни тасаввур қилиб бўлмайдиган. Еки бўлмаса, сайловчиларнинг ҳуқуқлари-ни суд томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашдан, де-мократик сайлов тизимини яратиш бўлмайди.

Мамлакатимизда демократия ва инсон ҳуқуқларини, ҳу-сусан сайловга оид ҳуқуқларни таъминлашда халқаро стан-дартлар муҳим намба бўлиб хизмат қилади.

Сайловга оид халқаро стандартлар Бирлашган миллат-лар ташкилоти (БМТ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Парламентлараро иттифок, Мустақил дав-латлар ҳамдўстлиги (МДҲ) каби тузилмаларнинг бир қатор ҳужжатларида ўз ифодасини топади.

Сайловга оид муҳим қондалар Инсон ҳуқуқлари умумжа-хон декларациясида (1948 йил), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (1966 йил), Ирқий камситилишни барча шаклларини тутатиш тўғрисида халқа-ро конвенцияда, Ирқий камситилишнинг барча шаклларини тутатиш тўғрисида БМТ декларациясида, Эркин ва адолатли сайлов принциплари тўғрисидаги декларациясида, ЕҲҲТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжати, МДҲга иштинорқ этувчи давлатларда демократик сайловлар, сай-ловга доир ҳуқуқлар ва эркинликлар стандартлари тўғриси-даги Конвенцияда мустаҳкам қўйилган.

Қайд этиш жоизки, ўтган йиллар мобайнида миллий сай-лов қонунчилигимиз ушбу халқаро сайлов стандартларига мувофиқ ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4004-сонли Қарорида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек, фуқаро-лар конституциявий сайлов ҳуқуқларини амалга оширилиши-ни таъминлаш бўйича умумэътироф этилган халқаро прин-циплар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда, сайлов тизими ва қонунчилигини босқичма-босқич либераллаштириш Ўзе-бекистон Республикаси сайлов тизимини янада такомиллаш-тиришнинг энг муҳим йўналишларидан биринчиси этиб белги-ланган.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Сайлов ко-дексини қабул қилишнинг мақсадида бири ҳам айнан замонавий халқаро сайлов стандартларини ҳисобга олган ҳолда сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини янада тако-миллаштириш эди.

Юқоридаги Қарорга асосан Марказий сайлов комиссияси таркибида Сайлов қонунчилиги ва замонавий технология-лар бўйича ўзүв маркази ташкил этилган бўлиб, миллий сайлов қонунчилигининг умумэътироф этилган халқаро принциплари ва стандартларига мувофиқлигини тизимли ра-вишда мониторинг қилиб бориш мазкур марказнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Дек-ларациянинг 4-бандида доимий ҳақиқий эркин ва адолатли сайловлар ўтказиш учун халқаро ҳуқуқий мажбуриятларга мувофиқ равишда давлатлар ҳуқуқларни қафоллатлаш таъ-минлаш мақсадида қонунлар қабул қилишлари ва бошқа чораларни кўромоқликларни лозимлиги белгиланган. Сайлов кодексининг қабул қилиниши ҳам мамлакатимизни айнан маз-кур талабни оғишмай, изчиллик билан бажарганидан дало-латдир.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда сайловга оид стандартлар, энг асосий принцип ва қондалар сифатида умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш йўли билан сайлаш, эркин ва адолатли, ҳақиқий сайлов ўтказиш ва шу қабилар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларни давлат ҳокимияти вакили органларига сайлаш ва сайла-ниш ҳуқуқига эга эканликлари, ҳар бир сайловчи бир овоз-га эгаллиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хошим иродасини билди-риш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафоллатлашиши белгилаб қўйилган.

Асосий қонунимизга мувофиқ сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир-лар.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексининг 4-мод-дасига асосан фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансу-блиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мансаби, маълумоти, машғу-лотининг тури ва ҳусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Конституцияимизнинг 117-моддасига кирган ўзгартишлар-га ҳамда Сайлов кодексимизга асосан эндиликда ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойла-рида сакланаётган шахсларда сайловда иштирок этиш, яъни сайлаш ҳуқуқи берилди. Бу эса озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов унтаклари тўзилиши мумкинлигини Ко-декснинг 10, 27-моддаларида мустаҳкамлаш имкониятини берди. Буларнинг барчаси эса умумий сайлов ҳуқуқи прин-ципини янада кенгроқ таъминланганидан, халқаро стан-дарт-лар талабларини имплементация қилинганидан далолат бе-лади.

Сайлов кодексига “битта сайловчи – битта овоз” тамойи-лини амалга оширишни таъминлайдиган Ўзбекистон Рес-публикаси сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига оид қондалар белгиланди.

Халқаро стандартларда давлатлар миллий қонун чиқа-

ЎЗА

ЖУМА ОҚШОМИ

ОНА ТИЛИМ

Мен ўзбекман, овозим ўзбек, Дарёлар ҳайқирар дилимда. Бу дунёнинг бор гўзаллигин, Англайман она тилимда.

Она сўзин айтдим илк бора, Кўёи келиб кўнди тилимга. Гўзалликнинг барча шарҳини, Она тилим, соди кўнглимга.

Юрт васфини, куйладим унда, Унда айтдим ишқ изҳорини. Шоир бўлдим, унинг шавқидан, Ёздим неки, дилда борини.

Она тилим сен — Қошғарийсан, Эзуликни суйлаган буйрон. Навоийсан ва Ясавийсан, Ҳикматингдан жонларимон.

Сен қанчалар жозибалисан, Шоҳ Бобурнинг ғазалларида. Таронадан таралганнинг рост, Биру борнинг саҳарларида.

Она тилим сен борсан токи, Миллат яшар, жонига жонсан Сен — келажак толейи кулган, Сен мангусан, Ўзбекистонсан.

Абдугани СУЛАЙМОН

ЎЗБЕК РАССОМЛАРИ ХИТОЙДА

Ўзбекистон Бадий академияси аъзоларининг Хитой Халқ Республикасининг Ханчжоу шаҳрига ижодий сафари доирасида мазкур шаҳарда мамлакатимиз мўйқалам соҳибларининг ижод намуналаридан иборат бадий кўргазма ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона алоқалар тобора равнақ топаётгани таъкидланди. Ўзaro маданий алоқалар, жумладан, “Бир макон, бир йул” дастури доирасида ижодий ҳамкорлик кулами кенгайиб бораётгани эътиборга молиқдир. Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов санъат ва маданият ҳар доим халқлар ва давлатларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилгани, бугунги кунда ўзбек-хитой рассомларининг ижодий ҳамкорлиги кулами тобора кенгайиб бораётганини қайд этди. Ўзарo тажриба алмашинувлар, ўзбек рассомларининг кўргазмаларини Хитойда, хитойлик рассомларнинг кўргазмаларини Ўзбекистонда ўтказиш жадал тус олди. Бу каби тадбирлар халқларимизни янада яқинлаштириш, санъатдан баҳраманд бўлишга хизмат қилишига шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, юртимиз рассомлари миллий тасвирий санъатимизнинг бой аъённалари, бетакрор услуб ва йўналишларини ўз ичода акс эттиргани билан наинки мамлакатимизда, балки халқро микёсда ҳам шuhrat қозонмоқда. Бетакрор кадриятларимиз, табиат манзаралари, борлиққа мусавирларнинг теран ни-

гоҳи билан назар солиниши асосида ишланган картиналар хитойлик нафис санъат мухлисарида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбек рассомлари делегациясининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи кунларида “Бир макон, бир йул” лойиҳаси доирасида Ўзарo ҳамкорлики давом эттириш, ижодий соҳада тажриба алмашинув истиқболларига оид масалалар муҳокама этилди. Юртимиз рассомлари делегацияси Ханчжоу Бадий академиясига ташриф буюриб, академияда йўлга қўйилган ўқув жараёни билан танишди. Ташриф доирасида Ханчжоу Бадий академияси мутахассислари билан мулоқот бўлиб ўтди. Учрашувда ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишлари юзасидан ўзарo фикр алмашилди. Ханчжоу Бадий академияси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзолаш масаласи муҳокама қилинди. Келгусида ҳамкорлик меморандумига оид амалий тақлиф ва хулосалар ишлаб чиқишига келишиб олинди.

Н.УСМОНОВА

Ўзбекистонда одам папилломаси вирусига қарши эмлашга старт берилди. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот аңжуманида хабар берилди.

311 миғ аёлли ҳаётдан олиб кетаётган дард Бачадон бўйни саратони аёллар саломатлигига таҳдид қилувчи жиддий касалликлардан бири ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, дунёда биргина 2018 йилда бачадон бўйни саратони билан қарийб 570 миғ янги касаллиш ҳолати қайд этилган. Хар йили шу касалликдан 311 миғ нафардан ортиқ аёл вафот этади.

Дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам ушбу хасталик аёллар ўртасида тарқалиши бўйича кўкрак бези саратонидан кейин ва касалликлардан ўлим кўрсаткичи бўйича ҳам туғиш ёшидаги аёллар орасида иккинчи ўринда туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати маълумотларига кўра, хар йили юртимизда 1600 нафардан зиёд аёл бачадон бўйни саратони касаллигига чалинмоқда.

ДАРДА ҚАРШИ ВАКЦИНА НЕГА КЕРАК?

12 та инфекцияга қарши эмланамиз Миллий эмлаш тақвимида кўра, мамлакатимизда болалар давлат бюджети ҳисобидан 12 та бошқариладиган инфекцияга қарши эмланади. Эндликда ОПВга қарши вакцинанинг жорий қилиниши эса яна бир огир касаллик — бачадон бўйни саратони касаллигининг олдини олишга хизмат қилад.

Хозир юртимиздаги барча 9 ёшли ўсмир қизлар ушбу касалликка қарши эмланмоқда. Мазкур вакцинанинг нархи анча қимматлиги сабаб, аксарият давлатларда у пулли асосда бажарилади. Мамлакатимизда эса, ўсмир қизлар давлат ҳисобидан бепул эмланади. Натижанда келажакда хар йили 1100 та касаллиш ва бачадон бўйни хасталиги бўйича эса 600 га яқин ўлим ҳолатининг қамайишига эришилади.

96 та давлатда мавжуд вакцина Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати одам папилломаси вирусига қарши вакцинани барча имунизация дастурларига киритишни тавсия этади. Бугунги кунда жаҳоннинг 96 давлати уни ўз миллий эмлаш тақвимида киритган. Уларнинг орасида Буюк Британия, Дания, Швеция, Финляндия каби қатор Европа давлатлари, АҚШ, Канада, Австралия ва Лотин Америка мамлакатлари ҳам бор. 2006 йилдан бошлаб шу кунгача бутун дунёда 100 миллион нафардан ортиқ одам ушбу вакцина билан эмланган. Мазкур вакцина нафақат саратондан ҳимоялаш, балки репродуктив аъзолар саломатлигини ҳам янада мустаҳкамлаш хусусиятига эга.

ОПВ — дунё бўйлаб жуда кенг тарқалган вирус. Унинг 100 дан ортиқ тури бўлса, 14 та қўриниши онкоген характерга эга. Мазкур вирус асосан жинсий йул билан юқди.

Саратондан ҳимояланишга кафолат ортди Бачадон бўйни саратони аёлларнинг кўп тарқалган онкологик касалликлари орасида етақилик қилади. Барвақт аниқланса, тўлиқ даво топишга кафолат бор (80 фоиз). Афсуски, кўп ҳолларда кеч босқичларда аниқланади. Имунитетни яқши бўлган аёлда бачадон бўйни саратони 15-20 йил давомида ривожланади. Имунитет паст бемор учун 5-10 йил кифоя. Инфекцион хасталиклар (генитал герпес, хламидиоз, гонорея) бачадон бўйни саратони юзага чиқишини кучайтириб юборади.

ОПВга қарши профилактик эмлаш 9 ёшдан эътиборан амалга оширилади. 14 ёшга қадар вакцинани олишга улгуриш керак. Бу жиддий хасталикка қарши курашининг самарали ва хавфсиз йўлидир.

Айрим мамлакатларда ушбу вакцина ўғил болаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Чунки у эркак жинсий органлари саратонидан ҳам ҳимоялайди. Бундан ташқари, одам папилломаси вирусини жинсий йул билан юқиш нуқтаси назаридан аёллар билан бир қаторда эркакларга ҳам хавф солади. Аммо Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хулосаси ва тавсиясига асосан вакцина 9-14 ёшли қизларга мўлжалланган.

30 ёшдан сўнғ аёлларда бачадон бўйни саратонидан ҳимояланиш мақсадида бачадон бўйни скрининг текшируви қўлланилади. Бу барча аёллар учун тенг тавсиядир. Чунки у орқали бачадон бўйни саратонидан эрта воқиф бўлиш ва муфассал давога эришиш мумкин. ОИВ билан зарарланган аёлларга 30 ёшдан ҳам эртароқ, тўғрироғи, ОИВ аниқлиниши биланоқ бачадон бўйни скринингини амалга оширган маъқул.

Папиллома вирусини билан фақат жинсий йул эмас, маиший йул, яъни жамоат жойларида ҳоҳатхона, ҳаммом, бассейн, спорт залларида, шунингдек, эркаклар соқол олиш, аёллар эпиграция қилдириш пайти зарарлилик қолиши ҳам мумкин.

Бачадон бўйни саратони ташхиси гистологик текширувлар натижасига мувофиқ қўйилади. Шиш ҳажми ва бошқа аъзоларга тарқалганлик ҳолатига кўра касаллик даражаси белгиланади. Шундан келиб чиқиб, даво чораси белгиланади. Бу нурли терапия, кимётерапия ёки жарроҳлик амалиёти бўлиши мумкин.

Дурдона АЛИМОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Матбуот хизмати
масъул ходими

ЮРТИМИЗНИНГ ЧЕККА ХУДУДЛАРИДА ҲАМ КИНОТЕАТРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

“Ўзбекино” миллий агентлигида давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган бадий фильмлар рекламаси ҳамда телевидение, радио ва интернет тармоқларида тарғибот кампаниясини ташкил этиш ва амалга ошириш чора-тадбирларига бағишланган ййғилиш бўлиб ўтди.

Унда “Ўзбекино” миллий агентлиги бош директори Фирдавс Абдуҳолиқов ва бошқалар миллий кино соҳасидаги туб ислохотлар ҳақида гапирди. Ўз навбатида, соҳадаги айрим су-сткашликларга барҳам бериш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликини мустаҳкамлаш лозимлиги таъкидланди.

Ййғилишда кинопрокатдаги муаммоларга барҳам бериш билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Миллий кино маҳсулотларининг тарғибот кампанияси тизимли ташкил этилмаётгани, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланилмаётганига сабабли фильмларга нисбатан томошабинлар қизиқиши пасайиб, ки-

нопрокат фаолиятдан олинган тушуллар қутилган натижа бермаётгани ва бу каби муаммоларга барҳам бериш кераклиги ҳақида сўз юритилди. Кино маҳсулотларини мафкуравий бойитиш, уларда миллий истиқлол гоёсини кенг тарғиб қилиш, шу орқали аҳоли, айниқса, ёшларнинг эътиборини кучайтириш ҳамда кинопрокатни ривожлантиришда уларнинг реклама тарғиботини юқори даражада ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Бу борадаги ҳаракатлар республикамизнинг чекка хуудларидан бошланиши, жумладан, кинотеатрлар сонини кўпайтириш, кинолар нархини аҳолига қўлай тарзда арзонлаштириш ҳамда агентлик қошида мазкур вази-фаларнинг назоратини кучай-

тириш учун янги бўлимлар ташкил этилишига келишиб олинди.

Шунингдек, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган “Кўкун шамоли”, “1 август” ва “Авлоний” номли бадий фильмлар тўғрисида аҳолини тўлиқ хабардор қилиш, мазкур фильмлар тақдимотини юқори савияда ўтказиш ҳамда юртимиз бўйлаб кинопрокатини самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди. Унга кўра, “1 август” фильми премьераси 26 ноябрда, “Авлоний” фильми 6 декабрда, “Кўкун шамоли” эса 19 декабрда намойиш этилади.

Мазкур фильмлар тақдимоти жорий йил якунига қадар Тошкент, Самарқанд, Термиз, Наманган ва Нукус шаҳарларида ташкил этилади.

Гулноза БОБОЕВА

“ЗАКОВАТ”ДА ЗАКОВАТЛИЛАР БЕЛЛАШДИ

“Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган “Талабалар медиа ижтимоий фаолияти ва маданий дам олиш маскани”да Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди.

Мазкур ўйинда ЎзМУга қаршали талабалар турар жаёда истиқомат қилаётган ёшлардан иборат 20 та жамоада 120 нафар ёш билимлар баҳсида ўзаро беллашилди.

Ўйиннинг энг қизиқарли нуқтаси “Заковат” телеўйини орқали ўз мухлисарига эга Жобир Ахмедов бошловчиликни ўз зиммасига олиб, ҳакам сифатида ёшларга керакли кўрсатмаларни берди.

“Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳудудида ёшларнинг билим ва кўникмаларини ағаллаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ёшлар билан ишлашга замонавий ёндашувларни жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар юзасидан самарали ишлар олиб боришмоқда. “Ёшлик” шаҳарчаси ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Ёшлик” шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши билан ҳамкорликда шаҳарча ҳудудидаги олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар талаба-ўқувчиларининг буш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар орасида маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни янада тақомиллаштириш, талаба-ёшларга хар томонлама кенг имкониятлар яратиш, тафаккур доирасини кенгайтириш, илм олишга бўлган қизиқишларини инобатла олган ҳолда бир қатор йўналишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўйлаيمانки, амалга оширилаётган барча ислохотлар, маданий кечалар, маънавий тадбирлар бир кун келиб албатта ўз мевасини беради.

М.МАТЧОНОВ,
талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши етакчи мутахассиси

Хандалар

Диванда ўқлаб ётган ота қаттиқ хуррак омонда. Бир оздан сўнғ ота ёнбошлагани учун хуррак овози тинди. Диван атрофида ўйнаётган ўғил хавотир аралаш онасини чакирди: — Ойижон, тезроқ келинг, дадамнинг моторларини бензини тугаб қолди!

- Хойнахоӣ, хар гал пул бериб, редиска олмаслигини билмоқчи бўлсангиз керак-а?
- Оласанми, олмайсанми, бу мени қизиқтирмайди.
- У ҳолда нега мени тўхтатдингиз?
- Чунки редисканинг нархи бир ярым миғ бўлди.

Холмат мактабга боргиси келмай, синф раҳбарига кўнғироқ қилди-да, бўғиқ овозда деди: — Каромат Ўлмасовна, Холмат бугун мактабга боролмайди. Шамоллаб қолди.


- Бўпти. Кечирасиз, ким билан гаплашган.
- Бу... Менинг дадам билан.

Пештоқида “Кўнғил сирингизни гул воситасида изхор қилинг!” шиори осилган гул дўқонига бир ййғит кирибди. — Менга бир дона атирғул беринг, — дебди у сотувчига. — Атиғи биттами?

- Ха... Мен жуда камгапман.
- “Тез ёрдам” кабулхонасида. Шифокор беморларни бир-ма-бир кўриб чиқапти. Бирининг боши ёрилган, бошқасининг кўзи кўқарган ва ҳ.к. У бир бемордан сўради: — Нима билан уришди?
- Ўқлов билан...
- Сизни-чи?
- Мени ҳам...
- Сизни-чи?
- Мени ҳам ўқлов билан уришди...
- Нима бўлган ўзи? Худди эпидемия тарқалгандек...
- Йўқ, доктор... Ана у комада ётган беморни кўрпа-сизми? Ана ўша аҳоқ ўқлов кўтарган хотинидан қочиб, оломон ичида беркинмоқчи бўлган эди...

Тузувчи Файзулла АБДУЛЛАЕВ

Крoсcвoрa



- Энига:** 1. Баҳс, дискуссия. 4. Ҳокими муғлак (русча). 7. ... Раҳимов (актёр). 8. Мусика ёзуви. 9. Қатъий сўз. 10. Эмиль... (фокусчи). 12. Намозни бошқарувчи домла. 13. Мухаббат, севги. 14. Ўйламай ҳаракат қиладиган. 15. Азиз неъмат. 18. Яра боғлайдиган дока лента. 20. ... Отажонов (хонанда). 23. Чидам, тўзим. 26. Тиқув машинаси галтаги. 28. Қишлоқ хўжалиги қуроли. 30. Ижтимоий бурч. 31. Ўзбекистондаги дарё. 33. Ҳинд фильми. 35. Шақлдош сўзлар. 39. Шахар транспорти. 41. Касал (синоним). 42. Бошоқ-ли дон. 44. Покистон кийим-кечак фирмаси. 46. Спорт тури. 48. Еритиш асбоби. 50. Ақлни пешловчи фан. 54. Фойда, наф. 56. Яра дориси. 57. Парда Турсин романи. 59. Гуноҳдор. 61. Харбий мажбуриятни ўташ. 63. “Кутлуг қон”даги образ. 65. Эртадан кейинги кун. 67. Ўлик тил. 70. Чевар асбоби. 73. Автомобиль қисми. 75. Ер шарининг жанубий қисми. 76. Вужуд, жусса. 78. Суднинг қатъий қарори. 79. Косметик модда. 80. Касаллик тури. 81. ... Турдиев (актёр). 82. Рожа рафқаси. 83. Уқ отиш қуроли. 84. Хоразм вилоятидаги туман.

- Бўйига:** 1. Физик заряд. 2. Нутқ сўзловчи. 3. Бул-бул (синоним). 4. Ёзма иш. 5. Қадимги Эрон пули. 6. Вокал асар. 9. Қовун нави. 11. Бир-бирига уйғун товушлар. 16. Пайғамбар қўёви. 17. Шарм, ҳаё. 19. Тупроқ. 20. Африкадаги шаҳар. 21. Куй. 22. Танадаги асосий суықлик. 23. Нав, хил. 24. Дарвеш. 25. Хўжайралар бирикмаси. 27. ... рози, худо рози. 29. Қатъий қарор. 30. Шинжи... (футболчи). 32. Театрдаги томошабин жойи. 34. Осмон жисмлари ҳақидаги фан. 36. Қарам мамлакат. 37. Оёқлари калта стол. 38. Синфий жамиятдан олдинги. 40. Каноп, жут, зигирпоя пўстоғи. 41. Дафта, туткич. 43. Шох-шаббали девор. 45. Кўп, сероб. 47. Тошкент шаҳридаги туман. 49. Андижон вилоятидаги туман. 51. Синувчан. 52. Таққослаб тасвириш. 53. Сут маҳсулоти. 55. Тўқима газмол. 56. Тахтанинг “дўсти”. 58. Ҳаётлик даври. 60. БМТ (русча). 62. Ёз ойи. 64. Беморларни техник текшириш. 66. Ортирилган билим. 68. Тағ, туб. 69. Абдий, умрбод. 70. АҚШ ва Канададаги шаршара. 71. Катта қон томири. 72. Дарахт пўстидан тайёрланган материал. 73. Тошкент вилоятидаги қўл. 74. Тарелка (шева). 76. Қон оқадиган орган. 77. Ношуд, эпсиз.